

Мисвок оғизни покловчи ва Аллоҳни рози қилувчидир | Сийрат дарслари (251-дарс)



19:00 / 14.10.2023 1741

294. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмон ёки мўмин банда таҳорат қилаётиб, у юзини ювганида ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси билан икки кўзининг назари орқали қилган хатолари юзидан тўкилади. Икки қўлини ювганида ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила унинг икки қўли билан қилган хатолари тўкилади. Икки оёғини ювганида ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила икки оёғи билан юриб қилган хатолари тўкилади. Шундай қилиб, у гуноҳлардан пок бўлиб чиқади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

295. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мисвок оғизни покловчи ва Парвардигорни рози қилувчидир»**, дедилар».

Насоий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

296. Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдим. Шунда у зот: **«Муғйра, мешни ол»**, дедилар. Уни олдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мендан узоқлашгунларича юриб кетдилар. Қазои ҳожат қилдилар. Устларида шомий чопон бор эди. Унинг енгидан қўлларини чиқармоқчи бўлган эдилар, торлик қилди. Шунда қўлларини унинг остидан чиқардилар. Мен сув қуйиб турдим. У зот намозга таҳорат қилгандек таҳорат қилдилар. Сўнг маҳсиларига масҳ тортдилар ва намоз ўқидилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда бирга бўлган эдим. Маҳсиларини ечиб қўйиш учун энгашувдим: **«Қўявер, уларни икки пок оёғимга кийганман»**, дедилар ва уларга масҳ тортдилар», дейилган.

Бухорий ривоят қилган.

Бошқасида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки маҳсиларига, бошларининг олд қисмига ва саллаларига масҳ тортдилар», дейилган.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.